

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ
«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

5150900 – «Дизайн» йўналиши бўйича
бакалавр диплом лойиҳа ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мавзу: “Юсухонадаги 300 ўринли сайёҳлар маскани”нинг
архитектура қисми дизайн ечими ечими

Битирувчи: _____ **Рахимов Маъруф Асатиллаевич**
(имзо, Ф.И.Ш.)

Раҳбар: _____ **Саидов А.А.**
(имзо, Ф.И.Ш.)

Тошкент - 2016

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
Архитектура факультети Дизайн йўналиши

5-12 Ду гуруҳи

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ландшафт дизайни ва интерьери»
кафедраси мудири

« » 20 йил

Диплом иши бўйича
Т О П Ш И Р И Қ

БИТИРУВЧИ: Рахимов Маъруф Асатиллаевич
(Ф.И.Ш.)

1. Диплом иши мавзуси: Тошкент вилояти Юсуфхона қишлоғидаги 300 ўринли сайёҳлар масканининг архитектуравий дизайн ечими
« 15 » апрел 2016 йилдаги № 143 буйруқ билан тасдиқланган
2. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар

3. Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар:

а) Архитектура қисми _____

б) Бадий-дизайн қисми _____

в) Атроф муҳит экологияси қисми _____

г) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____

4. График материал рўйхати (мажбурий чизмалар ва масштаб кўрсатилиши билан) _____

5. Диплом лойиҳаси қисмлари бўйича консультантлар

№	Диплом лойиҳаси қисмлари	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчининг фамилияси
1.	Архитектура				Сайфуддинов С.
2.	Бадий-дизайн				Саидов А.А.
3.	Атроф муҳит экологияси				Самигов Н.

6. Топшириқ берилган сана:_____

7. Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси:_____

Диплом лойиҳаси раҳбари:Саидов Абдумалик Абдулхақович_____

Кафедра мудири:Ветлугина А.В._____

М У Н Д А Р И Ж А

бет:

1. Кириш.....
2. Архитектура қисми.....
3. Бадий-дизайн.....
4. Атроф муҳит экологияси.....
5. Фойдаланилган адабиётлар.....
6. Хулоса.....

Кириш

Узбекистон мустақиллиги шароитида иштимой ишлаб чиқарувчи кучлар, Фан, маданият, техника тараққиёти шунингдек у билан боғлиқ кенг кулагдаги қурилиш ва меъморчиликнинг раваки ҳам содир бўлмоқда.

Узбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов ижод аҳлини тайёрлаш тизимини яхшилаш соҳасига алоҳида эътибор бермоқда. Ижтимой- маданий ва техникавий прогресс мутахассислар тайёрлаш мактаби олдида кенг миқёсдаги вазифалар турибдики, уларни мутахассислар тайёрлашда умуммаданий савиясини юксалтириш, мустақил равишда архитектура-дизайн ва қурилиш муаммоларини ечиш ишларини амалга ошириш талаб қилинмоқда.

Меъморларни тайёрлаш мазмуни йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда, бу иш умуман жамият ривожига билан ҳам боғлиқ, бунда Фан – техника, маданият, маънавият , ишлаб чиқариш маданияти, шунингдек ишлаб чиқариш унвондорлиги, ривожланиш меъмори билан боғлиқ.

Олий мақомда тайёрлаш иши бакалавр аввало ижодий шахсни тайёрлаш, унда ранг-баранг тасаввурларни шакллантириш, илм аҳли даражасида меҳнат ва фикр юргизадиган инсонни вояга етказиш, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқариш, муқаммал масалаларни

очишда, айникса меъморий ва шаҳар қурилиши соҳасидаги вазифаларни тушунадиган мутахассислар тайёрлаш ҳозирги куннинг вазифаларидир.

Ёш ижодкор дизайнерларни тайёрлаш жамият ривожига билан ҳам боғлиқ. Бунда фан-техника, маданият, маънавият, ишлаб чиқариш маданияти, бадиий маданият шунингдек ишлаб чиқариш унумдорлиги ривожланиш меъёри билан боғлиқ.

Бадиий маданият мураккаб тизимдан иборат бўлиб, унда санъат турлари муҳим урин тутди. Санъатнинг айрим турларга бўлиниб кетганлиги узок давом этган тарихий таракқиёт ҳосиласи бўлиб, қадимда бадиий фаолият соҳаларига, турларга бўлинмаган эди.

Кейинчалик санъатнинг бир неча турлари қарор топди. Шунингдек бу билан боғлиқ халқ ҳужалиқ ишларини ривожлантириш, капитал қурилиш, шаҳар ҳужалигини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ҳам шаклланди.

Олий мақомда дизайнерларни тайёрлаш иши (бакалавр) аввало ижод шахсини тайёрлаш, ундаги ранг-баранг тасаввурларини шакллантириш, илм аҳли даражасида меҳнат ва фикр юргизадиган инсонни вояга етказиш, ишлаб чиқаришни бошқариш муқаммал масалаларни ечишда, айникса яратувчанлик соҳасидаги вазифаларни тушунадиган мутахассислар тайёрлаш ҳозирги куннинг вазифаларидир.

Ёш ижодкор дизайнерларни вояга етказишда бадиий ечимларнинг янги услубларини куллаш, унга ижодий ёндошиш, бу жараёнда олий бадиий дизайн мактаб ёшлар учун зарур шарт шароитлар вужудга келтириши ёш мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириши зарур.

Меъморларнинг жамиятдаги қўл кўрди меҳнат фаолияти, гоёвий асос, мафкурага суянмаган бўлса, моҳияти камаяди, ундаги ижодий асос сусаяди, ақлий ечим ва бадиий ечим уртасида тафовут шаклланади.

Ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий фаолиятни мақсадга мувофиқ тарзда макон ва замонда бадиий қонуниятлар асосида ечиш талаби конструктив ва техник воситаларни жалб қилишни тоқозо этади. Техника, ҳамма санъат меъморий бадиий асарларни вужудга келишига бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқариш муҳитини эстетик жиҳатларини вужудга келтириш, унга “маънавий қадрият” мақомини бериш дизайн (саноат эстетикасига) оид расм чизмалар, моделлар, безаклар воситасида ҳам амалга оширилади.

Ҳозирча эстетик адабиётда дизайннинг ягона ҳаммабўп яхлит қандайдиган айланган илмий таъриф яратилмаган. Лекин қўлчилар тадқиқотчилар дизайн бадиий техник фаолият туридир, деб қарашга мойилдирлар.

Дизайн мазкур тушунча маъносида бадиий-техник фаолият мухитини яратишдир. Бадиий техник фаолият мухити деганда дизайннинг узини эмас, унинг мохиятли асосини англаймиз. Дизайн амалиёти махсус илмий укув соҳаси булган техник эстетикани ҳаётга олиб кирди. инсон бадиий техник фаолиятини хусусиятларини ва қонунгитларини очиб бериш техника эстетикаси дизайн вазифасидир.

Техник эстетика узининг таркибий томони билан бевосита дизайнга қоришиб кетади. Айни маҳалда техник эстетик уз мавзуи хусусиятларини умумлаштириб берувчи назарий ҳамда услубий томондан ҳам мавжуддир. Дизайн эса дунёқарашга ҳам тааалукли булиб у умумий эстетик назарий окимиға келиб қуйилади. Бу ерда дизайннинг махсус фаолият тури сифатидаги хусусиятлари, дизайн ва санъатнинг узаро муносабатлари саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бадиий ижод иштироки, уларнинг уртасидаги умумийлик ва фарқлар техниканинг эстетик жиҳозланиши ва эстетик қимати қаби муаммолар тахлили эстетик фаолият учун қуп самаралар бериши мумкин.

Барча меъморий соҳаларда билим ва ижодий тажриба, қасбий-назарий билим муқаммаллиги ва мажмуасига асосланади. Меъморий лойиҳалаш алоҳида қасбий билим булиб, қун сайин усиб борадиган шаҳарсозлик, саноат, ишлаб чиқариш, яшаш бинолари меъморий ранги, уларнинг ички гузаллиги билан шугулланадиган фандир. Меъморий лойиҳалаш

тажрибалари узаро боглик булган уч гурух фан мухандис-курилиш,
меъморлик ва бадий кабуллаш асоссида шаклланади.

Дизайнда мухандислик, илмий ва бадий фаолият коришган холда
намоён булади, лекин дизайн уларнинг бирортасига айланиб колмайди.

Дизайн моддий ишлаб чикариш мухитини эстетик кайта куришга
хизмат килади. Дизайн саноатини лойихалаш ва ишлаб чикаришни
уюштиришда, чизмалар, расмлар, моделларнинг максадга
мувофикликни ва технологик фойдалилигини хисобга олиш
фаолиятинингажралмас кисмидир.

АРХИТЕКТУРА

БЎЛИМИ

Консультант: Сайфуддинов С. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Маъсул раҳбар: Саидов А.А. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Рахимов М.А. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

АРХИТЕКТУРАВИЙ-ҚУРИЛИШ ҚИСМИ ҚУРИЛИШ ТУМАНИНИНГ ТАСНИФЛАРИ

Қурилиш ҳудуди – Тошкент вилояти

Иқлими - кескин континентал.

Ер ости сувлари ернинг юзасидан 7,0 м. чуқурликда жойлашган.

Майдоннинг зилзилабардошлиги - 8 балл

Қор қатлами - 50кг/м²

Шамол босим тезлиги - 38 кг/м².

Грунтлар - сочилувчан (насыпные) қуввати – 0,5-0,6м. гача.

Грунтнинг юк кўтариш қобиляти - $R = 0,3 \text{ кг/см}^2$,

Чўкувчанлик шароити бўйича грунтнинг тури – қумли лой (лессовидные суглинки) I категория

Физик-механик хоссаларининг курсаткичлари - зичлик $\gamma = 1,65 \text{ т/м}^3$;
ички ишқаланиш бурчаги $\varphi = 29^\circ$;

Ўта чукувчанлик шароити бўйича грунт тури – чўкмайдиган (не просадочные).

Бошланғич ўта чуқиш босими - 0,20 МПа.

Замин грунтлари агрессив эмас

Ишончлилиқ коэффициент $\gamma = 0,95$;

Бинонинг оловга бардошлилиқ даражаси – II.

Бинонинг жавобгарлиқ синфи – II.

Бинонинг иқлимий зонаси - II.

Қиш вақтида ишарни бажариш учун ҚМҚ 3.03.01-98 талабларига риоя қилиш керак.

«200 уринли Сайёхлар маскани» қуйидаги меъёрий ҳужжатлар кўрсатмаларига биноанлойтилган.

1. КМК2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”.
2. КМК 2.01.07-96 «Юқлар ва таъсирлар».
3. ШНК 3.01.08-99 “Тураp – жой ва Жамоат бинолари”

ҲАЖМИЙ - ТАРХИЙ ЕЧИМЛАР

Такомиллашган Сайёхлар маскани Тошкент вилояти Юсуфхона туманида жойлашган бўлиб, Чет елликлар ва юртимиз фуқороларини дам олиши маданий ёдгорликлар вилан боғлашдан иборат. Шартли белги (отметка) сифатида 1-қават тоза полининг сатҳи 0,000 қабул қилинган ва бу белги абсолют белги – 28,00 га мос келади.

Ҳажмий-тархий ечимлар асосида иморатнинг ўлчамлари ва шакли қабул қилинади. Тошкент вилояти Навбахор тумани «200 ўринга мўлжалланган Сайёхлар маскани» нинг тархдаги ўлчамлари 1-28 ўқлари бўйича 98 м., А, ўқдан Г уқ бўйича 18 м., ни ва умумий баландлиги -19 м.ни ташкил этади. ., 1-қават баландлиги – 5,7 м., 2-12-қаватлар баландлиги ҳам - 3,9 м. дан иборат.

Тошкент шаҳридаги «200 ўринга мўлжалланган Сайёхлар масканининг» конструктив ечимларига, материалларига ва бинони пардозлашга қўйиладиган талаблар:

-бинонинг интерьерлари ва ташқи пардозини ечишда, бинонинг узоқ хизмат қилишини, ёнғинга ва санитария талабларига жавоб берувчи замонавий пардозлаш материаллари ва ашёларини ишлатиш керак.

Лойиҳаланаётган Тошкент шаҳридаги «200 ўринга мўлжалланган Сайёхлар маскани » нинг юк кўтарувчи негизи монолит темир-бетонли бикр рама тугунли фазовий каркас схема бўйича лойиҳаланган. Том қопламаси (текистом) конструкциялари темирбетондан иборат.

Темир бетон конструкциялари бўлими (КЖ). Бу бўлим лойиҳалашга берилган топшириқ асосида лойиҳаланган. Бу бўлимда лойиҳалашга берилган топшириқга асосан бино қурилишининг ишчи чизмалари лойиҳалари ишлаб чиқилган. Лойиҳаланаётган бино – 4қаватли, бўлиб, деформация чоки билан бўлинган. Бинони юк кўтарувчи негизи яъни устунлар, ригеллар монолит темир-бетонлардан лойиҳаланган. Бино пойдеворлари юк кўтарувчи гиштли деворлар тагида В20 (М250)синфли

портландцементда тайёрланган ўзаро кесишган монолит темир-бетон лентасимон, устунлар остида эса, устунсимон қилиб лойиҳаланган. Ригеллар монолит темир-бетонлардан тайёрланган бўлиб, кесимлари тўғри тўртбурчак шаклида 400x500 мм., қилиб, В25 классдаги бетонлардан тайёрланади. Қаватлараро ёпмалар монолитдан, , сарбасталар, бикрлик диафрагмалари, боғловчи тўсинлар (обвязочные балки) ҳам, қурилиш майдонида темир-бетонлардан монолит усулда ўрнатилади.

КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАР П О Й Д Е В О Р Л А Р

Пойдеворлар - ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга узатиб берувчи конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг хусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг тескари босими таъсир этади.

Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юкни қабул қиладиган ҳамда шу юк таъсирида кучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча кам ва текис деформацияланса, унинг қурилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча кучланишлар шунча кам ҳосил бўлади.

Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча вариантини техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи варианты қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совуққа ва ер ости сувларининг агрессив таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг тархдаги ўлчамлари шундай олиниши керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юклар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртача босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада кўрсатилган даражада бўлиши керак. Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт (устки текислик) ҳамда грунт билан туташиб турувчи остки сирт (остки текислик). Пойдеворлар

чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлалли) пойдеворлар бўлади. Лойиха шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозикли пойдеворлар бўлади.

Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айни бир пайтда пойдевор заминдаги грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир. Шунинг учун ҳам пойдеворларнинг чуқурлиги бирдай бўлмайди. Пойдевор туби ер сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арзон тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади.

Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди.

Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз ҳажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради.

Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойиҳасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдорига, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг музлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади. Агар грунт кўпчийдиган (ҳажми кенгайдиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда грунтнинг музлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар музлаганда кенгайди, эриганда чўқади. Пойдеворнинг туби музлаш доирасида бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса, нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади.

Жамоат биноларининг устунлари остига қўйиладиган пойдеворларига сарф бўладиган бетон, умумий сарфланадиган бетоннинг 20 - 35 % ини ташкил қилади, уларни яратиш нархи эса тўлиқ бинога кетадиган қийматнинг 5 - 20 % и ни ташкил этади.

Лойиҳаланаётган бинонинг пойдеворлари юк кўтарувчи ғиштли деворлар тагида В20 (М250)синфли портландцементда тайёрланган ўзаро кесишувчан монолит темир-бетон лентасимон, устунлар остида эса, устунсимон қилиб лойиҳаланган. бўлиб, тагини (подошва) баландлиги 400 мм. дан иборат. Пойдевор Ø16А- III, Ø 8А- I, С1, С2,....., С16 (РСТУ3865-98)тўрлари билан ўзакланади ва В20 синфли бетондан тайёрланади.

Бетонлашда қўл билан вибратор ёрдамида узлуксиз равишда бетонни зичлаш керак. Пойдеворларни грунтларга ўрнатишдан аввал қуйидаги тайёргарлик чораларини кўриш зарур. Котлован қазиб, ўсимлик қатлами, ҳамда сочилувчан грунт қатламини олиб, қурилиш майдончасидан ташқарига олиб бориб ташлаш керак. Бино периметри бўйича асфальт бетон отмостка шағал асосга кенглиги 1,5 м. қалинлиги, $t = 100\text{мм.}$ қилиб лойиҳаланган.

П А Р Д А Д Е В О Р Л А Р

Пардадеворлар ички вертикал тўсиб турувчи конструкция ҳисобланиб, бир хонани иккинчи хонадан ажратиб туради. Пардадеворлар ўз оғирлигини ёпмаларга ёки грунтга қурилган пол заминига узатади.

Пардадеворлар кўп фойдали юзани банд қилмаслиги учун юпқа, енгил, юзаси силлиқ, кирланганда осон тозаланиши, етарли даражада пишиқ, турғун ва ўтга чидамли бўлиши керак.

Пардадеворлар ички девор гуруҳлари таркибига кириб кўндаланг ва бўйлама йўналишда жойланиши мумкин.

Меъёрий ҳужжатларга асосан квартиралараро пардадеворларнинг товуш ўтказмаслик хусусияти 0дБ га тенг хоналар орасида 9 дБ бўлиши керак (дБ – товуш босимининг ўлчов бирлиги) инсоннинг товуш босими тўлқинларини қабул қилиш қобиляти 0билан 120 дБ оралиғида ётади.

Парда деворнинг массаси ошган сари товуш ўтказмаслик хусусияти ҳам ортиб боради.

Товуш энергияси зичликлари хар ҳил бўлган кўп қатламли пардадеворлардан ўтганда ўз кучини йўқотади. Агар қатламлар орасида бўшлиқ кўзда тутилса бундай девор товуш ўтказмайди.

Бинонинг турига қараб пардадеворлар ўтга чидамли ёки ёнмайдиган бўлиши керак.

Материалига қараб пардадеворлар асосан уч хил гипс-бетон панелли майда тош (ғишт, майда блок)лардан ва кам қаватли уйларда ёғоч материаллардан тайёрланади.

Оммавий турар жой бинолари қурилишида индустриал гипс-бетон плиталари ишлатилади. Бундай плиталарнинг ўлчами хона ўлчамига тенг қилиб тайёрланади.

Қурилиш усулига кўра парда деворлар майда-йиғма, йирик-йиғма ва комбинациялашган турларга бўлинади.

Вазифаси бўйича стационар ёки қўзғалмас ва қўзғалувчи бўлади.

Парда деворларнинг ораёпмалар, юк кўтарувчи деворлар билан туташуш усуллари ҳилма-ҳил мосламалар ёрдамида амалга оширилади.

Ушбу лойиҳаланаётган бинода ғиштли ва гисокартон пардадеворлар ишлатилган.

Бинода ишлатилган ҳамма пардеворларнинг қалинлиги 120 мм., га тенг. Пардеворлар қуриш олдидан қуйидаги ишлар бажарилади:

- пардадеворнинг бўйлама ўқи, асосий деворларга туташадиган жойлари, эшик ўрни режаланади ва унинг ўлчамлари кўрсатилади;
- пардевор асоси қоришма қуйиб текисланади ёки антисептик воситалар шимдирилган ёғоч таглик ўрнатилади;
- андазалар, режа тахталар ва бошқа мосламалар ўрнатилади.

Пардадеворлар ўрнатилгандан кейин ҳамма чокларини шпаклевка қилиш керак ва ҳамма ёғоч элементларни антипирен билан тўйдириш лозим.

Лойиҳаланаётган бино гиштли қайнлиги 120мм. ва гипс картонли пардадеворлардан иборат.

З И Н А Л А Р

Зиналар қаватлар орасидаги алоқани амалга оширишга хизмат қилувчи асосий юк кўтарувчи конструкциялардир, бундан ташқари зиналар табиий офат, ёнғин ва авария вақтида кишиларни бинодан тез эвакуация қилиш хизмати бажариши керак.

Зиналар вазифасига қараб қуйидаги ҳилларга бўлинади:

- асосий ва ёрдамчи зиналар, қаватлар орасида кишиларнинг кундалик оммавий қатнови ва бинодан ташқарига чиқиш учун хизмат қиладиган зиналар.

- ёрдамчи зиналарга - ўт ўчиришда, авария вақтида фойдаланиладиган, чордоққа чиқиш ва ертўлага тушиш учун хизмат қиладиган зиналар қиради.

Зиналар қия жойлашган маршлар, горизонтал супачалар ва ҳаракат ҳавфсизлигини таъминловчи тутқичлардан иборатдир.

Зина деворлари етарли даражада ўтга чидамли бўлган махсус хоналарда зина катакларида қурилади. Бинодаги зиналарнинг сони, жойлашиши, ўлчамлари, қабул қилинган бинонинг архитектура-тархий ечимига, қаватлар сонига, одамлар ҳаракати оқимининг шиддатига (интенсивлигига) бевосита боғлиқдир.

Зиналар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак: мустаҳкамлик, ҳаракат ҳавфсизлиги, ёнғиндан ҳавфсизлик, ҳаракат вақтида толиқмаслик, гигиена, иқтисодий ва ҳ.к. Қаватлараро зиналардаги маршларнинг сонига кўра 1,2,3,4 маршли зиналар бўлади.

Зиналар материалига кўра: ёғоч, пўлат, темир-бетон, йиғмалик даражасига кўра: яхлит, йиғма, йиғма блокли бўлади.

Асосий зинапояларнинг баландлиги билан энининг ўлчамлари 1:2 да қабул қилинган, яъни 150 мм : 300 мм. Зина маршининг қиялик бурчаги $\alpha = 27^\circ$ ни ташкил қиладди.

Зина маршининг қиялиги унинг эни унинг бинодаги ўрни ва бажарадиган вазифасига боғлиқ одатда горизонтал текисликда ўртача инсон қадамининг узунлиги 500-600 мм ташкил этади. Зинадан кўтарилиш қулай бўлиш учун зинапоя ўлчамлари кадам узунлигига тенглаштирилган яъни, зинапоя баландлиги (В) ва энининг (Э) ўлчамлари $\mathcal{E}=2B=300\times 2=600$ ммни ташкил қилади.

Асосий зиналарнинг бир маршидаги зинапоялар сони 18дан ортиқ ва 3 тадан кам бўлмаслиги керак.

Маршлар орасида энг камида эни 100 мм га тенг бўшлиқ қолдирилиши керак (ёнғинни ўчириш шлангаларини ўтказиш учун).

ЎРОВЧИ БЕЛБОҒ (Объвязочный пояс)

Ўраб турувчи белбоғ ОБ1, Ø22А- III, Ø16А- III ва Ø12А- III синфли арматуралардан ва В25 синфли бетондан монолит усулда тайёрланади.

ҚАВАТЛАРАРО ЁПМАЛАР

Қаватлараро ёпмалар ички юк кўтарувчи ва тўсиб турувчи горизонтал конструкциялар бўлиб, бинонинг баландлиги бўйича қаватларга бўлиб туради. Қаватлараро ёпмалар ўзининг хусусий оғирлигини, вертикал тўсиб турувчи конструкциялар юкини, ундан ташқари, интерьерда жойлашган предметлар, асбоб ускуналар, одамлар юкларини кўтариб бу юкларни бинонинг юк кўтарувчи деворига узатиб беради. Қаватлараро ёпмалар овоз изоляцияси ва иссиқлик изоляцияларини таъминлайди, ҳамда қаттиқлик ва мустаҳкамлик талабларига жавоб беради. Қаватлараро ёпмалар муҳимлиги, конструктив тузулишининг мураккаблиги ва нархига кўра бино деворлари каби муҳим ва маъсулиятли конструкция ҳисобланади.

Қаватлараро ёпмалар умумий бино нархининг 20 % , сарфланган меҳнат миқдори 25% ни ташкил қилади. Қаватлараро ёпмалар жойлашиш ўрнига кўра:

- а) қаватлараро ёпмалар; б) чордоқдан ажралиб турувчи ёпмалар;
- в) ертўла қаватидан ажратиб турувчи ёпмаларга бўлинади.

Акустик хусусиятларига кўра: а) акустик бир таркибли; б) акустик кўп таркибли. Конструктив турига кўра: а) тўсинли; б) йиғма темир- бетон панеллардан қилинган; в) яхлит темир-бетон; г) тўсинсиз ёпмалар.

Статик ишига кўра ёпмалар асосан эгилишга ишлайди.

Қаватлараро ёпмаларнинг эгилиш чегараси, ёпма узунлигининг $1/200 - 1/400$ дан ортмаслиги керак. Ёпмаларга таъсир этувчи кучлар ёпмаларнинг конструктив турини танлашда асосий омил ҳисобланади.

Энг оммавий ҳисобланадиган қаватлараро ёпмалар тури ичи кавакли плиталардир. Бу турдаги плиталар унификацияланган ва индустриал бўлиб, саноат фуқаро бинолари қаватлараро ёпмаларининг асосий хили ҳисобланади. Қаватлараро ёпмаларнинг темир - бетон балкали тури ҳам кенг тарқалган.

Сейсмомустаҳкам биноларнинг ёпма панеллари хона ўлчамида ясалиб, тўрттала қирраси билан деворга тиралиши лозим. Ёпма панеллар яхлит ёки ғовакли плиталардан тайёрланади. Агарда ёпма алоҳида элементлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда элементлар мустаҳкам бирикиб, сейсмик кучларни тақсим қилаоладиган, бикир горизонтал диск ҳосил қилиши керак. Бунинг учун панель чеккаларида ўйиқлар ва очиқ арматуралар қолдирилади. Арматуралар қўшни элемент арматуралари билан кавшарланади, сўнг ўйиқлар бетон билан қопланади. Натижада ҳосил бўлган шпонка туташ панелларнинг ўзаро силжишига ва узилишига қаршилик кўрсатади.

Яхлит ёпма плиталарнинг тиралиш юзаси девор панелларининг қалинлигига боғлиқ. Панель қалинлиги 12, 14 ва 16 см бўлса, тиралиш масофаси камида 56 см олинади. Ёпма панеллар девор панеллари устига

тўшалган, маркаси 100 дан ортиқ бўлган цемент қоришма қатламига ўрнатилади. Бу юқори қават элементларининг оғирлигини остки қават деворларига барча тиралиш юзалари бўйича бир меъёрга узатилишини таъминлайди.

. Қаватлараро ёпмаларнинг қалинлиги 200 мм.

Қаватлараро ёпмалар монолит темир-бетон ригелларга таянади. Қаватлараро ёпмаларга Ø16А-III ва Ø8А-III (ГОСТ5781-82*), Ø12А- III, - 8х70 каби пластиналар ва В25 синфли бетон ишлатилади.

ПОЛЛАР

Қаватлараро ёпмалар устидан поллар ўрнатилади. Поллар асосан қўл кучи билан бажариладиган бинонинг ички горизонтал сатҳи ҳисобланади.

Поллар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: мустаҳкамлик ва чидамлилик, гигиеник, бадий, акустик ва ҳ.к.

Поллар қўйидаги хусусиятларига кўра классификацияланди.

- қаватлар сонига кўра: бир ёки кўп қаватли;
- материалларга кўра: Асфалт, бетон (яхлит ва плита шаклида), керамик, асфальт (яхлит ва плита шаклида) ва бошқа ҳил полларга бўлинади.
- акустик хусусиятларига кўра: яхлит яъни, бир таркибли кўп қатламли полларга бўлинади.

Тошкент вилояти учун мулжалланган «200 ўринга мўлжалланган Сайёхлар маскани»нинг пол конструкциялари хоналар хизмат вазифаси турига номига қараб танланган.

ТОМЛАР ВА ТОМ ҚОПМАЛАРИ

Бинони устки қисмини ташқи муҳитдан томлар ва ёпма ҳимоя қилади.

Томлар шакли, нишабларнинг қандай қияликда бўлиши бинонинг тархдаги ўлчамларига ва кўринишига, том ёпмасининг материалига, сувни тушириш усулига, иқлим шароитига, техника-иқтисодий шароитларига ҳамда бино архитектурасига оид мулоҳазаларга боғлиқдир. Том ва том ёпмаларнинг шакли бир нишабли ва икки нишабли бўлади. Шунингдек тўрт нишабли, гумбазсимон қубба, конуссимон ва бошқа ҳил томлар ҳам бўлади.

Нишаблар горизонтал кесишиб конёк ҳосил қилади. Томлар икки нишабли бўлганда деворнинг юқори учбурчак қисми пештоқ (фронтон) деб аталади.

Нишабларнинг бир-бирини қия ҳолда кесиб ўтишидан туртиб чиққан бурчак қовурға (ребро) ёки ичкарига кирган бурчак ёндова ҳосил қилади. Бир томнинг ҳамма нишаблари, одатда, бир ҳил қияликда бўлиши керак.

Том ва ёпма томларнинг шакли имконият даражасида оддий бўлиши ва имкон борича ёндовасиз бўлиши керак, чунки ёндова томнинг мустаҳкам қисми ҳисобланади ва доимий текшириб, қараб туришни талаб қилади.

Том ва ёпма томлар нишабларининг қиялиги нишаб қиялиги билан горизонт орасидаги унинг горизонтал ҳолатига нисбати билан, яъни процентларда (%) ёки касрларда ифодаланган қиялик бурчагининг тангенсини билан ўлчанади.

Том ва ёпма томлар қиялигига қараб икки гуруҳга бўлинади:

- қиялиги 5 % ва ундан ортиқ бўлган нишаб томлар;
- қиялиги 0дан 5 % гача бўлган текис томлар.

Чордоқнинг баландлиги унинг ичида бемалол юриш имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўртача 1,6 м дан кам бўлиши мумкин эмас.

БАДИИЙ-ДИЗАЙН

БЎЛИМИ

Консультант: Саидов А.А. _____
(Ф.И.Ш., имзо)


Маъсул раҳбар: Ветлугина А.В. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Рахимов М.А. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Бош тархнинг бадиий ечими

Бош тахрнинг бадиий ечими ҳар томонлама қулай ва ихчам қилиб лойиҳаланган. “Сайёхлар маскани” 12 қаватлидан иборат бўлиб, у ерда маданий хордиқ чиқариш учун ҳамма шароитлар мавжуд. “Сайёхлар маскани” ҳар тарафида арчалар, турли туман гуллар, бутасимон арчалар ўз ифодасини топган.

Бинонинг олд тарафида катта дарахтлар ўсганлиги сабабли, бинони манзарага боғлаган ҳолда лойиҳаланди. Автомобилда келувчи сайёхлар учун тўхташ жойи ҳам ажратилган Юриш йўлакчаларига плиталар ётқизилган, баъзи жойлари асфалт қилинган. Майдонинг атрофи замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолда ўт билан қопланган






Бинонинг тарзий ечими


Бинонинг тарзий ечими *Модерн* усулда (руҳда) ифодаланган бўлиб, ҳозирги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.

Бинонинг меъморий режалашда маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ихчам, кўримли қилиб қурилган. Бинода камалак рангларида фойдаланиб, чимён ён багрларидан янада гузаллаштириб, яшил урмондан ажратиб бино билан ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилдим. Бинонинг безагига табиий гранит, тошлардан фойдаланилган.

Бинога табиий ёруғлик яхши тушиши учун ойналар қулай қилиб ўрнатилган.



Ландшафт архитектураси ва дизайни, унинг муҳим тармоғи ҳисобланган боғ-истироҳатчилик санъатининг ўзига хос ёрқин хусусияти – бу уларни намоён қилишда қўлланиладиган “қурилиш материаллари”дир. Булар сафига энг аввало ўсимликлар дунёси, сув дунёси, ер тошлар ва умуман жой рельефининг барча хусусиятлари киради. Айнан шу материаллар очик фазовий муҳитни шакллантиришда асосий манба ҳисобланади. Анъанавий қурилиш материаллари очик муҳитни шакллантиришда муҳим бўлсада, бироқ ёрдамчи рол ўйнайди. Ландшафт меъмори гўё тирик табиат билан ишлаётгандек бўлади, асосан шу табиат элементларидан фойдаланиб инсон эҳтиёжи учун муҳит яратади. Бунда у табиий элементлар ва атроф муҳитга иложи борича кам таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади.



АТРОФ МУҲИТ ЭКОЛОГИЯСИ

БЎЛИМИ

Консультант: Самигов Н. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Рахимов М.А. _____
(Ф.И.Ш., имзо)



Тошкент вилояти Бустонлик тумани, Чимён кишлок фукаролар йигинида жойлашган лойиҳасининг экологияси.

Лойихаланган бино Бустонликнинг шимолий қисмда жойлашган. Бу ерда урмонлар, баланд дарахтлар, бутасимон арчалар кўп.. Иқлими мўътадил бўлади. Об-хавоси кундузи иссиқ кечаси салкин. Бу ерда баҳор апрелда бошланади. Энг юкори харорати июн-июлда +25 +35 градусгача. Лойихаланган бино тоғ атрофида жойлашгани сабабли бу ерда хавоси тоза, шифобахш усимликларга бой. Лойихаланган бино яшил экинларга ва атрофдаги ифлосликлар чиқарилмайди. Инсонлар соғлиғига зарарсиздир ва атроф муҳит зарарли чиқиндилар билан ифлосланмайди.

Лойихаланган Сайёхлар Маскани атрофига манзарали дарахтлар, инсон соғлиғига зарарсиз бўлган турли хилдаги гуллар ва арчалардан фойдаланилган. Иссиқ кунларда бионинг атрофини салқинлаштириш

мақсадида декоратив фаввора жойлаштирилган. Бу фавворадан келаётган сув инсонларга ҳаётига зарарсиздир, чунки фавворага келаётган сув ер остидан олинган бўлиб, тозалаш мосламаси (фильтр) ёрдамида юқорига чиқарилади.

Қурилиш вақтида қулай муҳитни яратиш мақсадида ташкил этилган майдон баландлиги уч метрлик девор, совуқ сув, сув узатувчи қувурлар, электр, радио ва алоқа тармоқлари, электр тақсимлагич, хожатхона, ювиниш хоналари, овқат чиқиндилари учун копоқоғи маҳкам ёпиладиган қути ва ахлат қути билан таъминланган. Буларнинг барчаси санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда ўрнатилган.

Қурилиш материаллари экологик тоза ёки ўзидан зарарли моддаларни чиқармайди. Қурилиш ва таъмирлаш учун хавфсиз, экологияда кам таъсир этувчи материалларни танлаш лозим деб ўйлайман. Шу сабабли реконструкция қилинаётган бинонинг қурилиш материалларидан танлаётганда инсон соғлиғига, атроф муҳити ва экологиясига таъсир қилмайдиган гранит ва кафелдан фойдаландим.

Кўпроқ табиий экологик қурилиш материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки қадимда инсонлар экологик табиий материалдан фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Мен лойиҳалаётган ишимда асосан табиий қурилиш материалардан-бетон, ғишт, ойна ва бошқалардан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Шунингдек қурилиш вақтида ишчиларга қулайлик яратиш ва уларнинг хавфсизлиги таъминлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратилган:

Ишчилар учун вақтинчалик ечиниш кийиниш, дам олиш учун махсус вагончалар ажратилган бўлиб, умумий канализация, сув таъминоти ва электр таъминоти билан таъминланган. Ишчилар махсус ҳимоя воситалари билан таъминланишга эътибор берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А. Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.: “Ўзбекистон”, 2009й
 2. И. А. Каримов. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Таффакур” журнали 1998й 2 сон.
 3. С.С.Ожегов., А.С. Ўролов., К.Ж Рахимов “Ландшафт архитектураси ва дизайни”. Самарқанд, 2003 й.
 4. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Тошкент, 2009 й.
 5. Архитектура общественных зданий. М.: Стройиздат, 1998 г.
 6. ." Меъмор олами" П. Ш. Зоҳидов Тошкент 1986 йил.
 7. ." Марказий Осиё Меморчилигида Интерьер " Д. А. Нозилов.
 8. ." Меъморчилик асослари " З. Дўстметова Тошкент 2007 йил.
 9. ." Ўзбекистон Ҳалқ Амалий Безак Санъати " С. Булатов Тошкент Меҳнат 1991 йил
 - 10 М.Мирзаева “’Екология ‘’ укув кулдонма Тошкент «2006
Қўшимча адабиётлар:
 - 11 Ш Н К " Бино ва иншоотларнинг ёнғин ҳавфсизлиги "
 - 12 .Справочникпроектировщика М.: 1996 г.
 - 13 ." Ўзбек Ҳалқлари Тарихи" (1-2 жилд) лар Тошкент1992 йил.
- Интернет сайтлари ;
[www. google.ru](http://www.google.ru) “Ўзбекистон экологияси”
[www. google.ru](http://www.google.ru) “Тошкент шаҳар экологияси”

Хулоса

Дизайн мазкур тушунча маъносида бадиий-техник фаолият мухитини яратишдир. Бадиий техник фаолият мухити деганда дизайннинг узини эмас, унинг мохиятли асосини англаймиз. Дизайн амалиёти махсус илмий укув соҳаси булган техник эстетикани ҳаётга олиб кирди. инсон бадиий техник фаолиятини хусусиятларини ва конунгиятларини очиб бериш техника эстетикаси дизайн вазифасидир. Техник эстетика узининг таркибий томони билан бевосита дизайнга коришиб кетади. Айни маҳалда техник эстетик уз мавзуи хусусиятларини умумлаштириб берувчи назарий ҳамда услубий томондан ҳам мавжуддир. Дизайн эса дунёкарашга ҳам тааалукли булиб у умумий эстетик назарий окимиға келиб куйилади. Бу ерда дизайннинг махсус фаолият тури сифатидаги хусусиятлари, дизайн ва санъатнинг узаро муносабатлари саноат махсулотларини ишлаб чиқаришда бадиий ижод иштироки, уларнинг уртасидаги умумийлик ва фарқлар техниканинг эстетик жихозланиши ва эстетик кимати каби муаммолар тахлили эстетик фаолият учун куп самаралар бериши мумкин.

Барча меъморий соҳаларда билим ва ижодий тажриба, касбий-назарий билим мукамаллиги ва мажмуасига асосланади. Меъморий лойихалаш алоҳида касбий билим булиб, кун сайин усиб борадиган шаҳарсозлик, саноат, ишлаб чиқариш, яшаш бинолари меъморий ранги, уларнинг

ички гузаллиги билан шугулланадиган фандир. Меъморий лойихалаш тажрибалари узаро боглик булган уч гурух фан мухандис-курилиш, меъморлик ва бадий кабуллаш асоссида шаклланади.